МУКОФОТГА — "ТИКО" ВА "ДАМАС"

САМАРҚАНД. Каттақўрғон туманидаги Марди Султонов номли агрофирманинг Асомиддин Мусаев бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил барча соҳаларда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Шу боис хўжалик бошқаруви томонидан уларга "Тико" енгил автомашинаси совға қилинди. Мазкур хўжаликнинг Муродилла Туропов бошқараётган бригада пахтакорлари эса гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтарганликлари учун "Дамас" микроавтобуси билан мукофотландилар.

Толиб НУРМУҲАММЕДОВ.

ЭЛЛИККАЛЪА РАМЗИ

НУКУС. Элликқалъа тумани ташкил топганига 20 йил бўляпти. Шу муносабат билан туман маркази — Бўстон шаҳри ободонлаштирилмоқда. Яқинда туманга киравериш жойида баландлиги 13 метрли рамзий дарвоза қуриб битказилди. Шарқона безатилган кўркам бу дарвоза кўпчиликка маъқул бўляпти. Дарвозанинг тантанали очилиши ўзига хос байрамга айланди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков иштирок этди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Харазм вилоятининг Хева туманидаги Рўзмат Мадаминов номли жамоа хўжалиги шоличилик бригадаси бригадири Султон Жуманиёзов (ўнгда) ва жамоа бошлиғи Матёқуб Мадаминовлар. *Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.*

ЎЗИГА ХОС ТАНТАНАГА АЙЛАНДИ

АНДИЖОН. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг беш йиллиги жойларда муносиб нишонланмоқда. Ўзига хос байрамга бағишланган йиғилиш кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Партия вилоят кенгашининг биринчи котиби Расулжон Мухторов маъруза қилди. ХДП гуруҳ фаолларига Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. Вилоят кенгаши ҳисобидан "Ўзбекистон овози", "Голос Узбекистана", "Мулоқот" газета-журналларига бепул обуна ўюштирилди. Йиғилиш саноатчиларнинг чиқишлари билан якунланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ЗИЛЗИЛАГА БАРДОШЛИК

ФАРҒОНА. Табиий офатга бардошли иншоотлар қуриш борасида тажриба тўпланган. Политехника институтида ўтказилган халқаро семинар шу мавзуга бағишланди. "Марказий Осиё ҳудудларида зилзилага бардошли иншоотлар қуришда маҳаллий ашёлардан фойдаланиш" деб аталган бу йиғилиш қатнашчилари кул чиқиндиларидан керамзит, бетон қоришмалар, саноат чиқиндиларидан қувурлар ҳамда пишиқ ғишт каби маҳсулотлар тайёрлаш технологияси билан яқиндан танишдилар.

Алишер ИБОДИНОВ.

Наманган вилоят гўшт-сут савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли тикувчилик цехи ишчиси Моҳира Тошпўлатова. *Турсунбек МАҲКАМОВ олган сурат.*

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 23 ноябрь, шанба № 150 (22.071).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ АХБОРОТ МАРКАЗИ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаганлигини назарда тутиб, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган сиёсатни кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга тезкорлик билан муносабат билдириш орқали жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот марказининг маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва халқаро йўналишларга асосланган тизими таркиби, низоми ва лавозимлар рўйхати тасдиқлансин.

2. Ахборот маркази зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, маъруза ва нутқлари, Ўзбекистон қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига оид барча муҳим воқеалар моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимиз аҳолисига ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш вазифаси юклатилсин.

Асосий эътибор ислоҳотларнинг тарихий аҳамияти, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, буюк келажак йўлида фидойилик, миллий ғурур ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, халқ ва Ватан манфаатларига содиқлик, одамлар онгида рўй бераётган ўзгаришларни чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий, маънавий ва халқаро шарҳлар орқали ёритишга қаратилсин.

3. Ахборот маркази эркин демократик ахборот маконини яратиш ва бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатишлари йўлида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Таниқли олимлар ва мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадида Ахборот маркази қошида маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва халқаро йўналишлар бўйича жамоатчи шарҳловчилар гуруҳлари ташкил этилсин.

5. Ахборот маркази Президентнинг Фармон ва фармойишлари, нутқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан таъминлансин. Ахборот маркази ходимларининг Олий Мажлис сессияларида, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ва республика миқёсида ўтказиладиган барча муҳим тадбирларда қатнашишлари кўзда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 21 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИДА

22 ноябрь куни Ўзбекистон парламенти Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини 1996 йил 26 декабрда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сессия ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш ва депутатларга вақтида етказиб бериш, бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш мақсадида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева раҳбарлигида депутатларнинг ишчи гуруҳи тузилди.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга оид ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан назорат қилинишини таъминлаш мақсадида Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Амалдаги қонунчилик мониторинги институтини ташкил этишга қарор қилинди.

Қонунчиликни, норматив ҳужжатларнинг демократия ҳамда инсон ҳуқуқлари принципларига мувофиқлигини ўрганиш, қонунларимизни демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқлаштириш, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жо этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва бошқалар институтнинг асосий вазифалари деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 1996 йил 26 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 22 ноябрь.

Олий Мажлис еттинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Узбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва Узбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1997 йилги истиқбол кўрсаткичлари лойиҳаси тўғрисида.

2. Адвокатура тўғрисидаги Узбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).

3. Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).

4. Сиёсий партиялар тўғрисидаги Узбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда киритилмоқда).

5. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

6. Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

7. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмен) тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

8. Давлат хизмати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

9. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

10. Узбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

11. Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

12. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

13. Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. ЖУМАНИЁЗОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Маркс Жуманиёзов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 22 ноябрь.

ФАХРИЙЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ва шу кенгаш қошидаги «Ўзветеран» уруш ва меҳнат фахрийлари корхоналари республика ассоциацияси бошқарувининг қўшма кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда фахрийлар мазкур уюшма ва ассоциациянинг Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси таркибига кириши, ўз фаолиятини жамғарманинг Низоми, тузилмаси ва дастурий вазифалари доирасида амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилди.

«Нуроний» жамғармасига тугатилган Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси ва фахрийлар корхоналари республика ассоциациясининг ҳуқуқий вориси бўлиш ҳуқуқи берилди.

Ҳамкорлик

АНДИЖОН ОЛМАСИ ТУРКМАНИСТОНДА

Боғдорчиликни ривожлантириш, аҳолига турли хил мева ва узум маҳсулотлари етказиб беришни Туркманистон боғбонлари ўзларининг энг муҳим вазифаси, деб қарамоқдалар. Тошховуз туманидаги «Навбаҳор» деҳқон бирлашмаси ижарачи боғбони Бекмат Қобулов қарийб ўн йил бўлдики, боғдорчилик билан шуғулланади. Шу давр мобайнида у 8 гектар майдонда кўрган кўзни қувонтирадиган боғ барпо қилди.

Энг асосийси, боғдаги меваларнинг аксарияти олма дарахтлари бўлиб, боғбон бу ниҳолларни бундан 6—7 йил мукаддам Ўзбекистоннинг Андижон вилоятидан келтириб ўтказган эди. Бугунга келиб ўзбек олмаси туркман биродарларимизнинг дастурхонини безаб турибди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Эл-юртимизнинг таниқли фарзандлари — Халқ артисти Бернора ҚОРИЕВА, спорт шарҳловчиси Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ, Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти Бобомурод ҲАМДАМОВ ҳамда тадбиркор аёл Дилара КАНЦЕРОВАлар «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га обуна бўлишди. Навбат кимга???



Хорижда

Б. КЛИНТОН МИННАТДОРЧИЛИГИ

СИДНЕЙ. АҚШ Президенти Билл Клинтон Австралия ҳукуматига ядро қуроли синовларини ҳар томонлама тақиқлаш шартномаси тузилиши ҳақидаги ва Шимолий Корея ядровий дастурини тўхтатиш борасидаги Америка сиёсатини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изҳор қилди. Б. Клинтон Австралия билан иқтисодий ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик муҳим аҳамиятга молик эканини айтиб ўтди.

ОТУВГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

ТБИЛИСИ. Грузия суди собиқ Президент З. Гамсахурдиа тарафдори, ноқонуний қуролли гуруҳлар бошлиғи Л. Кобалияни энг олий жазо — отувга ҳукм қилди. У Ватанга хиёнат қилишда, босқинчилик ва қотилликда айбланмоқда. З. Гамсахурдиа даврида Грузия Олий Кенгаши депутати Н. Молодинашвили эса Ватанга хиёнат қилишда айбланиб, 7 йилга озодликдан маҳрум этилди.

ЎН ОЛТИ ҚАВАТЛИ УЙ ЁНИБ КЕТДИ

ТОКИО. Гонконг шаҳри марказидаги 16 қаватли уйга ўт кетган. Натижада 29 киши ҳалок бўлди, 70 дан ортиқ киши жароҳатланди. Гарчи оловни ўчиришга 38 та ўт ўчириш машинаси жалб этилган бўлса-да, ёнғин узоқ вақт давом этган. Қутқарув чоғида бир ўт ўчирувчи ҳалок бўлган. Ёнғин келиб чиқиш сабаби аниқланмоқда.

Журналист муаммо қўяди

ЙЎЛЛАРДАГИ РАҚОБАТ

Фарғона вилояти йўлларида давлат ва хусусий автотранспорт эгалари манфаатлари тўқнашди. Ким — кимни?

Автобус бекатидан хиёл нарида гижинглаган тойлардай қатор турган енгил машиналардан бирига яқинлашдим.

—Келинг, ака, Бағдодга битта одам етишмай турувди. Кетдик.

Яп-янги «Жигули»нинг шинам салонига ўтириб Бағдодга жўнадик. Дарҳақиқат, киракаш—ҳайдовчи шу масофагача бўлган автобус чиптаси нархидан ҳам арзон ҳақ олди. Ҳайрон бўлдим.

— Нега бир хил масофага сиз автобуснинг кира ҳақидан ҳам оз нарх белгилагансиз?

— Биз эркин қушмиз, ака. Топганимиз ўзимизники. Кунига 5-6 марта шу йўлдан қатнайман, — ўртача минг сўмга яқин пул тушади. Бензин харажатидан ташқари 5-6 юз сўм чўнтакда қолади.

— Даромадингиздан солиқ тўлайсизми?

— Ие, хафа қилманг бизни, мана патент, ойига 3,5 минг сўмни солиқчиларга қуртдай санаб беряпмиз. Ишимиз ёмон эмас. Энди давлат автобуси билан бизнинг орамиздаги фарққа келсак, автобус бошидаги ишни... ўзингиз биласиз!

Фарғона вилояти йўлларида йўловчи ташиш ишларини асосан «Фарғонатранс» давлат ҳиссадорлик жамияти амалга оширади. Жамиятга қарашли вилоятнинг турли шаҳар ва туманларида 20 та автокорхона бор. Бу автокорхоналардаги 1715 та автобус йўловчи ташийди. Автокорхоналардаги мавжуд автобусларнинг 75 фоизи ўз белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлган. Тўғри, кейинги йилларда «Мерседес-Бенц», «ДЭУ-ВУ-113», «Чавдар» каби чет эл автобуслари ҳам олинди. Аммо улар ҳали оз.

«Фарғонатранс»га қарашли автокорхоналарнинг деярли барчасида собиқ Иттифоқнинг турли заводларида тайёрланган «ЛАЗ», «ПАЗ», «КАВЗ», «РАФ» маркали катта ва кичик ҳажмдаги автобуслар кўп. Юқорида айтганимиздек уларнинг барчаси жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган.

Бирлашмада 10 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи ишлайди. Автокорхоналарнинг таъмирлаш, созлаш устахоналари мавжуд. Салкам 7 минг ҳайдовчи бор. Ҳиссадорлик жамиятининг устахона ва идораларида эса 4 мингта хизматчилар, таъмирловчи, чилангар ва бошқа хизматчилар бор. Кўриб турибсизки, автокорхоналарда харажат катта...

Хусусий автотранспорт эгалари худди мана шу нозик жиҳатларни ҳисобга олиб давлат транспорти билан дадил рақобатга киришдилар. Ҳозирги пайтда Фарғона вилояти йўлларида 1184 та хусусий ва ижарага олинган автобуслар йўловчи ташияпти. 820 та енгил автомобиль эгалари ҳам патент олиб йўловчи ташиш билан банд. Албатта, булар рўйхатга олинган, давлатга даромаддан солиқ тўлаб, ҳисобда турган хусусий транспорт воситаларидир. Бироқ ҳеч қандай ҳисобда турмай фақат шахсий бойлик орттириш мақсадида киракашлик қилаётганларнинг сон-саноғини ҳеч ким билмайди.

— Дарҳақиқат хусусий автотранспорт воситалари сони вилоятда давлат йўловчи ташиш транспорти воситалари сонига етиб қолди, — деди «Фарғонатранс» давлат ҳиссадорлик жамияти йўловчилар ташиш бўлимининг бошлиғи Тожиали Усмонов, — Бир ҳисобда уларнинг кўпайиши бизга кўмак. Чунки йўллардаги йўловчи ташиш воситалари қанча кўпайса, одамларнинг узоғи яқин бўлади. Автобус бекатларидаги тиқилинчга, узоқ муддат автобус кутишга барҳам берилади. Бироқ, бунинг нозик томонлари ҳам бор. Масалан, автокорхоналарда ҳар куни эрта тонгда ҳайдовчиларнинг саломатлиги, транспорт воситасининг соз-носозлиги текширувдан ўтказилади. Йўналишга соғлом ҳайдовчи соз машинани ҳайдаб чиқади. Киракаш-чи? Унга барибир. У хоҳлаганда ишга чиқади. Куннинг бошқа пайтлари бекатларда одам гавжум бўлгани билан иши йўқ.

Ҳа, хусусий автотранспорт эгаларида бундай эркинлик бор. Улар белгиланган йўналиш ва қатнов жадвалларига риоя қилишмайди. Йўловчи топилдими, кетади. Йўловчи топилмаса, уйига равона бўлади. Давлат транспорти эса белгиланган йўналишда қатнашга мажбур. Мана шу келишмовчилик кейинги пайтларда хусусий автотранспорт эгалари ва давлат транспорти раҳбарлари ўртасида ўзаро келишув бўлишига ундаяпти. Масалан, Марғилон шаҳридаги такси саройи билан «Тоштемир ҳожи» фирмаси ўртасида шартнома тузилди. Шартномага мувофиқ фирма раҳбари Тоштемир ҳожи Мўминов ўзига қарашли 8 та кичик автобусни Фарғона шаҳри йўлларида қатновга қўйди. Марғилон автотакси саройи «Тоштемир ҳожи» фирмаси автобуслари учун йўналиш ва қатнов жадвалларини белгилаб беради. Фирма автобуслари шу белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳаракатланади. Шаҳардаги автобус бекатларида давлат транспорти воситалари қатори «Тоштемир ҳожи» фирмаси автобусларига ҳам тегишли хизмат кўрсатилади. Фирма ўзи топган соф фойдадан 5 фоизини такси сарой хизмати ҳисобига ўтказади. Шундай шартнома Қўқондаги «Наргиз» фирмаси билан «Фарғонатранс» давлат ҳиссадорлик жамияти орасида ҳам тузилган. Бундай ҳамкорлик ўзининг ижобий натижаларини беряпти. Бироқ, юзлаб бошқа хусусий автотранспорт эгалари бундай шартномалар тузишга шошилишмаяпти. Албатта, бунинг сабаблари бор. Айтайлик, «Фарғонатрансга» қарашли битта кичик автобус бир иш кунида ўртача 2,5 минг сўм тушум келтиради. Худди шундай кичик автобус эгаси эса ойига давлатга 5-7 минг сўм атрофида пул тўлайди. Ҳисоб-китобни ўзингиз чиқариб олаверинг.

Хуллас, Фарғона йўлларида давлат ва хусусий автотранспорт эгалари ўртасида йўловчи ташиш борасидаги рақобат кучайди. Хусусий транспорт эгалари бу рақобатда маълум даражада ютиб ҳам чиқяпти. Бизнингча, бу рақобат ҳамкорликка айланмоғи лозим. «Тоштемир ҳожи», «Наргиз» фирмалари билан бўлаётган ҳамкорлик шундан далолат беради. Йўллардаги юзлаб хусусий транспорт воситалари эгаларидан фақат патент олиш билангина кифояланиб қолмай, уларнинг назорати устида ҳам қайғурмоқ лозим. Бу чуқур ўйланса, арзийдиган иш.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мамлакатнинг қудратли таянчлари

ТАНИ ЭМАС, ҚАЛБИ ОЛОВ

Мамлакатимиз табиий заҳиралари жаҳонга машҳур. Уларни юрт қудрати, эл фаровонлиги йўлида ишлатиш энг муҳим вазифалардан биридир. Республика нефть ва газ қазиш давлат акционерлик бирлашмасига қарашли «Шўртангаз»газ конлари бошқармасида ибратли ишлар баробарида, айрим муаммолар туғилмоқда. Мулоҳазаларимиз ана шулар хусусида.

Ушанда ҳеч ким, ҳатто кончилик илмини симириб ичганлар ҳам уларга ишонишмаган, айнан ўша қудуқ улкан нефть «денгизи»га туташ эканлигига шубҳа билдиришган эди. Қоровулбозор газ конининг бош геологи Абдулла Абдуназаров ва бир гуруҳ геологлар изланишлари самарали ўлароқ, топилган кон учун ҳатто давлат мукофоти бериш ҳақида гап-сўз бўлган, пировардида астраханлик геологларга «илинишганди».

Муборакнинг бепоён кенгликлари бағрида ўсган, нефть ва газ конлари қидириш бўйича иқтидорли мутахассис ўксимади. Бутун кучи, қобилиятини меҳнатга, юртга наф келтираётган ишига сарфлайверди. Саксонинчи йилларнинг бошида «Шўртангаз» газ конлари бошқармасига бош геолог бўлиб ўтди. Тўқсон биринчи йилдан бошқармани бошқара бошлади. Ватан мустақилликка эришганда қалбида бетимсол орзулар гувиллай бошлади. Меҳнати қадр топди — одамлар уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайлашди! Айни пайтда Олий Мажлис қурилиш қўмитаси аъзоси.

— Ғузор тумани ҳудудидаги бу улкан дашт асосан чорва яйлови сифатида қадрланган, — деди у корхона билан танишаётганимизда. — Етмишинчи йилларда Шўртан дашти бағрида улкан газ кони борлиги аниқланди. 1980 йилнинг 2 ноябрида корхона ишга тушди. Ўтган йили республикамизда 47 миллиард 597 миллион кубметрдан ошиқ газ қазиб олинган бўлса, шунинг 20 миллиарди бошқармамиз ҳиссасидир. Ҳозир йилига 14 миллиард кубметр тозаланган газ, 802 минг тонна конденсат ишлаб чиқаряпмиз. Бу газ мамлакатимиз корхоналари, хонадонларга, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларига узатиляпти. Конденсатдан қайта ишлаш корхоналарида бензин, солярка, лак-бўёқ ажратиб олинмоқда.

— Абдулла ака, истиқлол ва мустақиллик туфайли юртимиз ер ости бойликларидан янада самаралироқ фойдаланиш, конлар ва корхоналарда жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида қўлланилаётган технология ва ускуналарни жорий этиш истиқболлари очилди. Бу борада қандай ўзгаришлар бор?

— Бизнинг 2000 кишилик жамоамиз олдида катта вазифалар турибди. Ҳозир 105 та газ қудуғидан фойдаланяпмиз. Шулардан энг чуқури 3100 метр. Булардан ташқари Тандирча, Одамтош каби янги конларга ҳам эгамиз. Конлардан олинаётган газ тўхтовсиз қайта ишлаш блоклари ёки цехларга узатилади. Тозаланган газнинг ўзи йилига 14 миллиард кубметрдан ошмоқда.

— Мана, бу кейинги янгиликлардан, — деди у янги цехни кўрсатиб. — Илгари газ таркибидаги олтингугурт исроф бўларди. Шу йил бошида ишга туширган цехимизда бир кеча-кундузда 25 тонна олтингугурт ажратиб олинмоқда. Олтингугурт «тошлари» Самарқанд суперфосфат заводида қайта ишланаяпти.

— Корхонага ташриф буюрганлар узоқдан темир қувурлар орқали газ машъалалари ёқиб қўйилганига маҳлиё бўлишади. Айрим ҳисоб-китобларга кўра бир кунда ёқиб юборилаётган газ, олайлик, Чироқчи туманидаги хонадонларнинг ярмини таъминлашга етаркан. Бунга нима дейсиз?

— Бунга қўшимча равишда ҳаво булғанаётганини ҳам айтишим мумкин, — фикримизга қўшилди бошқарма бошлиғи. — Бир кунда ўртача 15 минг кубметр газ беҳудага ёниб кетяпти. Аммо ишлаб чиқариш давомида туғилиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш учун 6 та қувур орқали газни ёқиб қўйишга мажбурмиз. Бироқ ҳозир лойиҳа тузилган. Махсус эстакада қурилади ва фақат битта машъала қолдирилади. Натижада экология талаблари бажарилади ҳамда газ исрофи камаяди.

Қарши шаҳрида газчилар истиқомат қилаётган алоҳида «митти туман» бор. Яна 14 та ҳовлили уй, замонавий теннис корти қуряпмиз. Умуман, қурилишга катта эътибор қаратилган. Китоб туманининг Томчи ота деган жойидан топилган мармарни Италиядан келтирилган ускуналар ёрдамида қирқадиган цех қурилган. Мармарга талаб катта. Биргина Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур хиёбони қурилиши учун 2 минг квадрат метр мармар тахта тайёрлаб бердик. Ғузор тумани қишлоқлари газлаштирилмоқда. Келажак — ёшларники. Шуни ҳисобга олиб бошқарма қарамоғидаги 320 ўринли «Нодира» болалар боғчасини гимназияга айлантириб, компьютерлар, замонавий ўқув ускуналари билан таъминладик. Истиқболли режаларимиз бор-у аммо...

Истиҳола қилдими, бошқарма бошлиғи муҳим масалани тилга олмай турди. Биз икки йилдан буён корхонанинг банкдаги жорий ҳисоби ёпиб қўйилганлигини эшитиб, ҳайрону лол қолдик. Маълум бўлишича, бошқарма тозалаб узатган газ учун 1 миллиард 246 миллион сўм маблағ тўламабди. Биргина Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси олган газ конденсати учун 317 миллион сўм қарзини узолмабди. Ўз навбатида бошқарма солиқ тўлай олмагани сабабли банкдаги жорий ҳисоби ёпиб қўйилибди.

Худди шу ўринда давлат корхонаси ҳақидаги қонун талаблари бузилмоқда! Юртбошимиз ўтган йили халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг сессиясида саноатни ривожлантириш, газ билан таъминлашни яхшилаш масалаларига эътиборни қаратган эдилар. Бундан ташқари ўзаро ҳисобкитоб, солиқ тизимини такомиллаштириш қатъий қўйилмоқда. Бугун вилоятда мамлакатимизнинг қарийб 90 фоиз гази ишлаб чиқарилмоқда. «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси эса юртимизда газни қайта ишлаб бераётган энг йирик корхоналардан биридир. Яқин келгусида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда йирик газ ва кимё мажмуи қуриш, сертолаб хом ашё — полимерлар ишлаб чиқариш режалари тузилган. Ана шундай йирик корхонанинг қарзларини тўламаслик, жорий ҳисобини ёпиб қўйиш кўплаб мушкулликларни келтириб чиқараётганлиги шак-шубҳасиз-ку!

Биз бу каби қийинчиликлар борлигига қарамай, улкан ишлар амалга ошаётган корхонадан қайтаётганимизда Шўртан даштига қайта-қайта назар ташладик ва келажаги буюк мамлакатимиз ҳақида ўйладик. Йўқ, тани эмас, қалби олов бу юртнинг! Корхоналар, хонадонларга ҳарорат бераётган бу олов тафти она юрт меҳридай иссиқ ва шукуҳли...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.





СУРАТЛАРДА: 1. Газни олтингугуртдан тозалаш цехи ишчилари (ўнгдан) қурилма бошлиғи Акбар Бозоров, механик Зиёдулла Юнусов, чилангар Абдумалик Депсинов, оператор Тўлқин Ҳуррамов; 2. Газни олтингугуртдан тозалаш цехининг умумий кўриниши. 3. «Шўртангаз» газ конлари бошқармасининг бошқариш пульти катта оператори Ибод Рўзиев ва асбобсоз уста Зоир Қайнаровларни кўриб турибсиз.

Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган суратлар.

МАЪНАВИЯТ ЧАШМАСИ

Ҳаёт билан ҳамнафас

Акмал Икромов туман ҳокимлиги Ўзбекистон ХДП туман кенгаши билан ҳамкорликда туманда яшовчи фуқаролар ўртасида обуна бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Жойларда республикамизда чиқадиган барча рўзнома ва ойномаларнинг рўйхати ва обуна нархи акс эттирилган ахборот бурчаги ташкил қилинган.

Туманда обунага жиддий эътибор берилмоқда, айниқса, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» рўзномалари, «Мулоқот» журнали фаолияти ва бу нашрларнинг аҳамияти ҳақида туман партия кенгаши ходимлари Любовь Ширяева, Зафар Мўминов ва бошқалар корхона раҳбарлари, мутасаддилар билан суҳбатлар ўтказиб обуначилар сафини кенгайтиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Тумандаги 13 та алоқа бўлими ходимлари ҳам замондошларимиз маънавий оламини бойитишда муҳим восита ҳисобланмиш даврий нашрларга обуна қилишга жалб этишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Атаулла ИСАХОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Акмал Икромов туман кенгаши партия ташкилотчиси.

ХУЛОСАЛАР СЎРОҚҚА ТУТАДИ

Муносабат

Юртбошимиз И. Каримовнинг халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи вилоятда мавжуд вазиятга танқидий баҳо беришга даъват этмоқда. Президентимизнинг таҳлилий нутқидаги адолатли баҳолардан тегишли хулосалар ясалмоқда, амалий ҳаракатлар қизғин тус олмоқда...

Умархон САМАТОВ — Мулла Қирғиз номидаги вилоят жамғармаси раиси:

— Юртбошимиз нутқларида қанчалик оғир бўлмасин, очиқ айтай, у киши тилга олган қатор камчиликларимиз бизни ҳижолатга солди. Истиқлол йилларида вилоятда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Лекин азалдан нозик дилли меъморлари ном қозонган жойда бу етарли эмас.

Жамғармамиз икки йилдирки, моҳир усталарни рағбатлантириш мақсадида Мулла Қирғиз номидаги вилоят мукофотини таъсис этган. Юртбошимиз йил - йириқларидан келиб чиқиб, танлов талабларини ўзгартирдик. Янги дастуримизга биноан миллий меъморчилик анъаналари уйғунлашган замонавий лойиҳалар асосидаги қурилишларни кенгайтириш энди асосий эътиборимизда. Капитал қурилиш ва миллий меъморчиликни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган меҳнат жамоаларини шу тариқа саралаб борамиз.

Маҳмуджон АБДУЛЛАЕВ — вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди:

— Халқимиз бетга айтганнинг заҳри йўқ, дейди. Шу маънода Президентимизнинг халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқлари камчиликларимизни ўнглашга, муаммоларимиз ечимини излашга, ишга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимизга ундамоқда.

Ижтимоий масалаларнинг муваффақиятли ижобати кўп жиҳатдан иқтисодиётдаги ўнгланишга, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва айни вақтда молия интизомининг пухталигига бориб тақалади. Ҳақли танқид қилинганидек, айрим туман, хўжалик, корхона ва ташкилотларда бозор талабларига мослашиш, иқтисодиётда тадбиркорликни қўллаш, ишда ҳисоб-китоб йўқлиги натижасида умумий маром ўзгармади. Ана шундайлар каснрига вилоят бўйича ижтимоий суғурта жамғармаларидан қарздорлик миқдори бугунги кунда 1 миллиард 200 минг сўмни ташкил этди. Агар шу маблағ ўз вақтида жамғармалар ҳисобига ўтказилганда эди, биз наинки ўтган ойлар, балки декабрь ойи учун ҳам пенсия ва нафақаларни тўлаб бўлардик.

Ҳозирда бу хато тузатиляпти. Жамғармаларга тушум кўпайди. Республика Марказий банки назоратида вилоятдаги барча банклар асосий пулни пенсия ва нафақа учун йўналтирмоқда. Имоним комилки, қисқа муддатда бу борада муаммо қолмайди.

Ҳозир вилоят бўйича аҳоли барча қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг 2000 йиллгача бўлган дастури ишлаб чиқилди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан яратилган бу дастурга кўра камхарж, бева-бечора, ногиронлар, кексаларимизнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг муаммоларини ечиш — фаолларнинг ва ҳамманинг шарафли бурчи, деб белгиланган.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«УНУТИЛГАН МАКТАБЛАР»

Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси «Ўзбекистон овози» газетасининг 1996 йил 29 октябрдаги сонида чоп этилган «Унутилган мактаблар» сарлавҳали мақолани атрофлича муҳокама қилди.

Вилоятнинг Пешку туманида 42 та умумтаълим мактаблари бўлиб, уларнинг 20 таси лойиҳа асосида қурилган замонавий биноларда ва қолган 22 таси мослаштирилган биноларда жойлашган.

Охирги 3 йилда туман ҳудудида 4 та 2270 ўринли мактаб бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. Жумладан, 1996 йилда Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 844, «Жонгелди» жамоа хўжалигида 422 ўринли мактаб бинолари вилоят бюджети ҳисобидан қурилди.

Пешку туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигида 7-«Маданият» жамоа хўжалигидаги 6-«Пахтаобод» жамоа хўжалигидаги 21-мактаблар собиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 17 августдаги 250-сонли қарорига асосан авария ҳолатидаги мактаблар рўйхатига киритилган.

Ўтган йилларда жамоа хўжаликларининг иқтисодий қуввати етмагани, маблағлар етарли ажратилмаганлиги сабабли шундай мактабларнинг ҳаммасини қуриш имконияти бўлмади.

1997 йилда «Туркистон» жамоа хўжалигининг Куёвхўжа қишлоғида 7-мактаб учун қурилаётган 422 ўринли мактаб биносини вилоят бюджети ҳисобидан қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

«Маданият» жамоа хўжалигидаги 6-мактаб учун 1987 йилда 624 ўринли мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилиб, ўқувчиларнинг асосий қисми янги мактабга кўчирилган. Аммо ўқувчи ўринлари етишмаслиги сабабли ҳозирги кунда 445 ўқувчи эски биноларда ўқитилмоқда. Пахта тозалаш заводига яқин жойлашган мазкур мактаб биносини 1997 йил ёзида бузиб, унинг материаллари ҳисобига янги мактаб қуриш туман ҳокимлиги ва жамоа хўжалиги томонидан режалаштирилди.

1996 йил ёз мавсумида барча мактабларнинг бинолари жамоа хўжаликлари, ота-оналар кўмагида жорий таъмирланган.

Қиш мавсуми учун 6-мактабда 67, 7-мактабда 68, 21-мактабда 124 тонна кўмир жамғариб қўйилган. Мактаблар печка, карнайлар билан таъминланган.

Туман ҳокимлиги, хўжалик раҳбарлари ҳомийлар маориф муассасаларига яхши ёрдам беряптилар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси Пешку туманидаги умумтаълим мактабларнинг қурилиши, моддий техника базасини ривожлантириш ишларини доимий назоратга олди.

Санча БАҲРОНОВА,
Бухоро вилояти ҳокимлиги халқ таълими бошқармасининг бошлиғи.

МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институти раҳбарияти республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида катта таълимий, маънавий-маданий ва ташкилий-тарбиявий ишларни амалга оширмоқда.

— Институтимиздаги ўнга яқин кафедралар — малака оширишга келган барча ўқитувчиларнинг таълимий-тарбиявий фаолиятини такомиллаштиришга астойдил фаоллик кўрсатмоқда. — дейди институт директорининг биринчи муовини, профессор Ғайни Нажимов. — Ҳар чоршанба бўлаётган умуминститут миқёсидаги маърузалар мазмун-мундарижаси жиҳатидан эътиборга лойиқдир. Жумладан, профессор Қамариддин Усмоновнинг Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари», Республика ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умрзоқовнинг «Ижтимоий таъминот муаммолари», Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик Оқил Салимовнинг «Олий ва ўрта махсус таълим муаммолари», халқаро ЭКОСАН фонди раиси, профессор Юсуф Шодиметовнинг маърузаси, «Қоинот» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, академик Шавкат Воҳидовнинг «Қоинот муаммолари» ҳамда театр артистлари билан учрашувлар икки юзга яқин тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Суннатулла РИЗАЕВ.

Хабарингиз борми?

БЕШ ЁШЛИ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Шу кунларда Фарғона вилоят ўлкашунослик музейида Марат Исмоиловнинг суратлар кўргазмаси ташкил этилди. Унга 30 дан ортиқ манзара суратлар, портретлар қўйилган. «Куз», «Менинг лочиним», «Мазай бобо» каби акварелда чизилган суратларда ранглар тиниқлиги, образларнинг ўзига хос яратилганлиги томошабинларни ҳайратга солди. Фарғона шаҳрида яшовчи, ноёб истеъдод эгаси бўлган Марат эндигина 5 ёшга тўлди. У 3 ёшидан буён суратлар чизади.

— Сурат чизаётганимда Оллоҳнинг ўзи менга мадад бераётгандай туюлади, — дейди Қуръон сураларини ҳам ёд биладиган бу ажойиб болакай.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЙРИЯТ, ТЕКИН БЎЛДИ

Бола-болада

Бундан олти ой аввал эди. «Ал-Машриқ» фирма дўконидан «PHILIPS» видео магнитафони сотиб олгандик. Яқинда у бисот кассета айлантирмай қолди. Уни кўрсатиш учун Ҳамид Олимжон метроси устидаги «PHILIPS» сервисига олиб бордим.

Уста Вазгин Газарян магнитафонни очар экан, «уйда болалар борми?»-деб сўради.

— Бор,-дедим.

— Унда, ҳозир очаман галовка қошида қалам бор, агар бир жойи синган бўлса пул тўлайсиз.

— Ахир, бир йил муддат ичида бепул созлашларингиз керакку, — дейман норози бўлиброқ.

Уста Вазгин айтганича бор экан. Ичкарида қалам. У олиб ташланиши билан кассета эркин айлана бошлади.

Қалам кўзимга таниш. Ҳар куни боғчадан келибоқ чизишга киришиб кетадиган катта қизимиз Ситораники. Демак, у боғчага кетгач, ўғлимиз Маъруфжон кассета ўрнига қаламни магнитафонга тиққан.

— Иложи бўлса магнитафонни болалар қўли етмайдиган жойга қўйинг, буниси бепул бўлди. — Галовка синганида борми, 100 долларга тушардингиз, — дейди уста В. Газарян.

Қани энди буни болага тушунтира олсанг...

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.



СУРУВ.

Козимжон ЎЛМАСОВ олган сурат.

Ҳукм ўқилди

АЧЧИҚ ҚИСМАТ

Ранги докадек оқарган, ўнг қўлини чарм курткаси билан ўраб олган, бозбоз ортига қараб қўяётган Фарҳодни кўрган Марҳабони ваҳима босди.

— Вой тинчликми ўзи, бунча безовтасиз?

Марҳабо эрига салом беришни ҳам унутиб сўзида давом этди:

Қўлингизга нима қилди, ҳамма ёғи қон-ку?

— Тошкентдан келишимда поездда нарсаларимни йўқотдим... болалар билан урушдим..: — Фарҳод шундай дея хотинини тинчлантирди. Аммо «туя кўрдингми — йўқ», қабилида иш тутиб юраверди. Орадан тўртбеш кун ўтгач, қўлига кишан солинганда унинг қотиллик қилганини хотини англади...

Эндигина йигирма икки ёшни тўлдирган Фарҳод Қиличев Вобкент туманидаги Талигандум қишлоғида ўз тирикчилиги (чилдирмачилигини)ни қилиб юрганда миясига Тошкентга бориб кўпроқ пул топиб келиш майли келди: «Кўпчилик отчопарда, бозорда тирикчилик қилаётганмиш, нимаси ёмон буни, қўли пул кўрса олди-сотдини ҳам эплар. Бунинг устига бошпана топса, фарзанди билан хотинини ҳам кўчириб борарди».

Шу ўй билан у 18 апрелда Тошкентга йўл олади. У ерда ўртоғи Бахтиёр Зариповни учратади. Бахтиёр Фарҳодга уйидан жой беради. Пулга ташна «меҳмон» ўзини бозорга уради. Айтганидек, бу ерда ҳамма ишни бажарса бўларкан, суриштирувчи йўқ, киссаси пул кўряпти. Энди хотинболани ҳам олиб келса бўлади. Ўн саккиз кунда анча ишлаб олибди.

Буни қарангки, пойтахтнинг Жанубий темир йўл шоҳ бекатига борганда унинг дидидаги киракаш ҳайдовчи ҳам топилди: Х3053ТН давлат белгили «Москвич», ҳайдовчиси Шарифжон Довутжонов, билан ўртада қўл олишилди: 50 литр бензин ҳамда 5000 сўм йўлкира Фарҳоддан!

Улар йўлга 6 майда чиқишди, Самарқандда овқатланишди. Фарҳод ароқ олиб ярмини ичиб олди. Хуллас, манзил поёни кўринганда тонг отди. Ҳайдовчи ўриндиқда пишиллаб ухлаб ётган Фарҳодни туртди:

— Тур, ука Харгўшга келдик. Бензин тугаяпти.

— Уйга борайлик, топиб бераман.

Машина катта канал бўйида тўхтади. Ҳайдовчи Шарифжон бензиндан ҳам, пулдан ҳам қуруқ қоламан деган ўй билан Фарҳодга юзланди:

— Сен бола қочиб қоласан чоғи, пулни чўз!

Ўртада келишмовчилик бошланди. Оғзиларидан боди кириб, шоди чиқди. Хуллас, ўрталарида очкўзликми, фирибгарликми хуруж қилди. Шарифжон ўриндиқ остидан пичоқ олиб Фарҳодга ўқталди. Фарҳод ўнг қўли билан пичоқни тўсди. Пичоқ машина ичига тушади. Шунда Фарҳод уни олиб, ҳайдовчининг бўйнига санчади. Қон сачрайди. Қўрқиб кетган Фарҳод машинадан тез тушиб, Армитан қишлоғи ичига ғойиб бўлади.

Жароҳат олган ҳайдовчи эса қишлоқдаги А. Фатуллаев ҳовлиси томон судралиб боради. Ҳеч нарсадан хабари йўқ уй эгаси эрталаб уйғонса, эшиги олдида бир қўлида пичоқ, номаълум кимса қонга беланиб ётар, қўли билан ташқарини кўрсатарди. Амрилло Фатуллаев ташқарига чиқиб қараса, «Москвич» мотори ишлаб турарди. У қўшнилари ва участка нозирига хабар қилди.

Тезкор гуруҳнинг эпчил ҳаракати туфайли қотил топилди. У қилган жиноятига иқрорлик билдирди. Одил суд қотилнинг жазосини берди.

Жиноятчиларни суд қилиш, жазолаш билан жамиятимиздаги муаммоларга чек қўйилди деб бўлмайди. Сир эмас — ҳозир айрим ёшлар ишсиз, ҳунарсиз. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, ишчи ўринлари етишмайди, ёшлар билан ишлашда ҳамкорлик занжирлари мустаҳкам эмас. Ахир Ф. Қиличев истиқомат қилган Х. Камолов номли жамоа хўжалигида қўшимча ишчи ўринлари йўқда. Билмадик, бу ҳафсаласизлик қачонгача давом этади?! Лоқайдлик эса жамоатчиликда ҳам, қуни-қўшни, ота-онада ҳам ўрнашиб олган... Баъзи ёшларимизнинг бўлса тўрт тарафи қибла. Бу оғир оқибатларга олиб келишини Фарҳоднинг қисмати кўрсатиб турибди!

Раҳматулла ҲАМРОЕВ,
Вобкент тумани прокуратураси терговчиси,
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯ СЕССИЯСИ

ВАШИНГТОН. ХХР-нинг жаҳон савдоси ташкилотига аъзо бўлиши муносабати билан Америка-Хитой иқтисодий комиссиясининг сессияси бўлди.

Унда Хитойнинг экспорт ва импорт фаолиятидаги тўсиқларни бартараф этиш, банк тизими ва хорижий сармояларнинг фаолиятини кафолатлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

ТИЛИНИ КЕСИШДИ

Хитойлик Ли Ю деган қиз 16 йилдан бери жисмонан қийналиб юрарди. Яъни тили ўта узун ва қалин эди. Асли ўзи у шундай туғилган, бироқ ёшлигида тили сал бўлса-да, оғзида айланарди. Кейинчалик эса қиз улғайгани сари тили ҳам ўса борди ва оғзига сиғмай қолди, натижада Ли тилини осилтириб юрадиган бўлди. Бу қурғурни операция йўли билан кестирай деса, ота-онаси бечораҳол. Хайриятки, дунёда яхши одамлар ҳам бор. Хитойлик бир бизнесмен қизнинг юришини кўриб раҳми келди ва операция қилдириш ҳақида унинг ўзи Лига оғиз очди.

Шундай қилиб қизнинг тилини кестиришга 30 минг юан (3 минг доллар) сарфланди. Ҳатто жарроҳлар ҳам бундай узун тилни кўришиб, ҳайрону лол қолишди. Чунки тилнинг оғиздан ташқарига осилиб юрадиган қисми 13 сантиметр, эни эса 7,5, қалинлиги 4 сантиметр эди-да.

- Операция муваффақиятли ўтди, - дейди жарроҳлар. - Тил нафақат кесилди, балки унинг ўсиши ҳам тўхтатилди.

Ҳозир Ли Ю ўзини жуда бахтиёр сезмоқда, гарчи гапиришга калимаси келмаётган бўлса-да.

БМТНИНГ РЕЖАСИ

АБУ-ДАБИ. БМТ Афғонистоннинг Бадгис вилояти қочоқларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни режалаштирмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Бадгис вилояти уруш ўчоғига айланиши туфайли тинч аҳоли уйжойини ташлаб Ҳиротга йўл олмоқда. Ҳозирги кунда бу ердаги қочоқлар сони 10 мингтага етди.

ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ҚИСҚАРТИРИШНИ ЎЙЛАМОҚДА

Россия газ саноати раҳбари Рэм Вяхирев Лондондаги конференцияда сўзга чиқиб, унинг компанияси яқин келажакда ўз ишини қайта қуради, деб хабар беради АФП агентлиги. Қатъий бозор интизоми жорий этилиши ва газ қазиб олиш ҳамда уни етказиб бериш билан боғлиқ бўлмаган баъзи фаолият турларидан воз кечилиши кўзда тутилади. Ёқилғи ва энергетика саноати вазири Пётр Родионов эса газ саноати бир неча майда компанияларга бўлиниб кетади, деган гап-сўзларни рад этди. Газ саноатининг янги режасига Украина орқали етказиб бериладиган газ миқдорини қисқартириш ҳам киради. Чунки Вяхиревнинг нутқида айтилишича, ана шу газнинг каттагина қисми ўғирланмоқда. Газ саноати Украинадан ўғирланган газ ҳақини ундириш учун суғурта ишини йўлга қўймоқчи.



ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАРКИБИ ҲАҚИДА МУЗОКАРА

Литва радиосининг хабарига кўра, Президент Альгирдас Бразаускас янги ҳукумат таркиби қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги масалани муҳокама қилиш учун бешта сиёсий партиянинг раҳбарлари билан учрашди.

Ҳаракатдаги парламент куни кеча ўзининг сўнгги мажлисини ўтказди, янги парламент эса ўзининг биринчи учрашувини 25 ноябрь куни ўтказади. Бразаускас Консерваторлар раҳбари Витаутас Ландсбергиснинг Бош вазир лавозимига номзоди янги парламентнинг дастлабки сессиясида эълон қилиниши керак, деган таклифини рад этди. Ландсбергис айтдики, ҳозирги ҳукумат қиш мавсумига яхши тайёргарлик кўрмади ва қарзларини вақтида тўламай Россия газ саноатини етказиб берилаётган газни қисқартиришга ёки тўхтатиб қўйишга мажбур этмоқчи.

БОШ ВАЗИР ТАКЛИФДАН ВОЗ КЕЧДИ

Венгрия Бош вазири Гюла Хорн Эркин демократлар иттифоқи (ЭДИ) нинг муҳим сиёсий қарорлар қабул қилишдан олдин коалициядаги кичик шериклар билан маслаҳатлашиб олиш ҳақидаги таклифини рад этди, деб хабар қилади «Непсабадшаг» газетаси. Хорн бу таклифни ўз имкониятларини чегаралаш учун уриниш, деб баҳолади.

ВАТАНГА МУҲАББАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Америкада чоп этиладиган «Чикаго Трибьюн» газетасининг ёзишича, Франция ҳукумати ўсмирлар тарбиясига эътиборни кучайтириш борасида янги қонун жорий қилди.

Янги қонунга кўра мамлакатдаги барча ўсмирлар жинсидан қатъи назар беш кунлик фуқаро мудофааси курсини тамомлайди. Бугунги Франция ёшлари ўртасидаги жиноятчиликка қўл уриш ҳолатлари тез-тез содир этилиши ҳукуматни ҳам жиддий ташвишга солиб қўйди.

Ҳукумат чиқарган янги қонун биринчидан-ўсмирларнинг кўчаларда жиноят содир этишини кескин камайтиради.

